



Тургут-раис

960-хижрий йил Рамазон ойининг 7-санасида (1553 йил 15 август) Усманийлар салтанати адмирал ва турк флоти кўмондони Тургут-раис (Гарбда Драгут номи билан машхур) 60 та галера бошчилигида Катания шахрига (Сицилия), шунингдек, Бастия калъасига (Корсика) рейд уюштирди. Натижада у стратегик ахамиятга эга бўлган иккала портни эгаллаб олди ва етти мингдан ортиқ мусулмонни асирликдан озод қилди. Сицилия Кироллиги ва Генуя Республикасига қарши бу денгиз юриши Франция-Туркия иттифоқи тузилганидан кейин амалга оширилган Эгей денгизига экспедициянинг бир қисми эди. Тургут-раис ёрдам учун мукофот сифатида қўлга киритилган ўлжалар ҳисобидан француз киролидан 30 минг олтин дукат олади. Вазифани бажариб, Корсикани тўлиқ

кўлга киритгач, турк адмирали ўша йилнинг декабрида эсон-омон Истанбулга кайтади.

Тургут-раиснинг кискача таржимаи холи

Усманийлар салтанатининг келажакдаги денгиз кўмондони 1485 йил атрофида исломга кирган юнон дехкони оиласида тугилган. Илк болалик чоғларида турк корсарлари кўлига тушади. 12 ёшида найза отиш ва камондан ўк узиш бўйича ажойиб қобилиятлари Усманийлар армиясининг кўмондони эътиборини тортди ва у йигитни денгиз флотига юборди. Тез орада Тургут тажрибали денгизчи, камал артиллериясининг ажойиб тўпчисига айланди, бу адмиралнинг келажакдаги муваффақиятида катта рол ўйнади. Бир канча вақтдан сўнг Тургут Искандарияга бориб, у ерда машхур корсар Синан Пошонинг хизматига кирган. Кема юритишни ўрганиб олгач, Тургут бригадина капитани этиб тайинланди. Бир неча муваффақиятли кампаниялардан сўнг Тургут бутун кемани сотиб олди ва кейинчалик замонасининг энг илгор қуруллари билан жиҳозланган ва қуруллантилган галлиотни бошкарди. 1520 йилда Тургут атоқли турк ҳарбий денгиз кўмондони Хайриддин Барбаросса кўмондонлиги остига келди, дарвоқе, унинг ҳам отаси исломни қабул қилган юнон бўлган. Ўз истеъдоди ва Барбаросса билан яқин дўстлик туфайли, Тургут тез орада бош лейтенант лавозимга кўтарилди ва 12 галиотдан иборат флотни ўз кўмондонлиги остига олди. Кейинги йиллар давомида Тургут-раис галиотлари Марказий ва Ғарбий Ўрта ер денгизидаги христианларга қарши кўплаб юришлар амалга оширди.

1538 йилнинг сентябрида «Мукаддас Лига» христиан флотининг Бирлашган қучлари (Испания, Папа вилояти, Венеция ва Генуя Республикалари, Мальта рицарлари ордени) ва Барбаросса эскадронлари ўртасида Превеза кўрфази яқинида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтди. Тургутнинг 20 та галераси ва 10 та галиотидан иборат таркиби иккинчи линия марказида бўлди. Икки галлиоти билан у рицар Жамбаттиста Довизи кўмондонлигидаги папа галераларини кўлга олди. Ўша куни факат кун ботишигина Бирлашган христиан қучларини батамом йўқ бўлиб кетишдан саклаб қолди. Кейин Аллох Тургутнинг бошига жиддий синов солди. 1539 йил бошқа денгиз кампаниясидан сўнг, унинг кичик флотилияси Корсикадаги таъмирлаш учун тўхтади, у ерда италияликларнинг Бирлашган қучлари томонидан қўқисдан ҳужумга учради. Жангдан сўнг Тургутнинг факат битта кемаси қочишга муваффақ бўлди, қолганлари кўлга олинди, унинг ўзи асир қилинди ва Генуя қамокхонасига тушмагунча, тахминан тўрт йил (!) Генуя адмирали Андреа Дориянинг укаси галерасига қул бўлди. Хайриддин Барбаросса Тургутни озод қилиш учун бир неча бор товуқ пули таклиф қилади, лекин унинг барча таклифлари рад этилади. Бирок турк адмирали яқин дўстини бир дақиқага ҳам ёддан чиқармайди ва уни озод этиш учун имконият қидиради. Ва ниҳоят, тўрт йилдан сўнг Аллох унга бундай имкониятни тақдим этади! 1544 йил Барбаросса 210 та кема бошчилигида, Франция-Туркия ўртасидаги битимга кўра, Испанияга қарши урушда француз қироли Франциск I га ёрдам кўрсатганидан кейин Франциядан қайтиб келадиганида Генуя яқинида тўхташга ва атиги бир кишини озод қилиш учун Ўрта ер денгизидаги етакчи насронийлар давлати пойтахтини камал қилишга

жазм этади. Натижада Тургут-раисни озод килиш хакида музокаралар бошланади. Барбаросса Андреа Дорианинг кароргохига таклиф килинади, бу ерда икки адмирал 3500 олтин дукатга Тургутни озод килиш хакида келишувга келадилар.

Тургут асирликдан озод килингач, Хайриддин унга флагман ва бир неча кемалар ажратган ва шу йили янги озод килинган адмирал Корсикадаги Бонифацио калъасини кўлга олиб, Генуя манфаатларига зарар етказган. Тургут италияликлар ва испанларга карши кўплаб муваффакиятли денгиз рейдлар килган. 1546 йил Мукаддас Рим империяси императори Карл V ўзи Тургутни кўлга киритиш учун Андреа Дория бошчилигидаги экспедиция юборди, бироқ у Франция-Туркия шартномаси шартларига кўра, хавфсиз бўлган Франциянинг Тулон портига кочиб кетишга муваффақ бўлди. 1546 йил июлда Хайриддиннинг вафотидан сўнг Тургут Ўрта ер денгизи Усманийлар харбий денгиз кучларининг бош кўмондони бўлиб, 1551 йилда расман Турк султони Сулаймон I хизматига кирди ва 1556 йилгача капудан-пошо (Усманийлар империяси флоти кўмондони) унвонида бўлди.

Тургут-раис бир неча бор ракибнинг шундоқкина ёнида кочиб қолишга муваффақ бўлади. Масалан, 1549 йилнинг октябрида Жерба оролидаги денгиз базасида Андреа Дория кўмондонлигидаги улкан христиан флоти пайдо бўлди ва Орол кўрфазидан чиқишга тўсқинлик килди. Тургут-раис чалгитувчи маневр ёрдамида чекинишга мажбур бўлди (мусулмонлар мухандислик ишларини олиб бориб, душманни мудофаа қилиш ва кўнишга тайёргарлик кўрдилар, аксарияти эса махаллий аҳоли кўмагида блокланган кўрфаздан оролнинг бошқа қисмига канал ётқиздилар). Галаларнинг асосий қисмини судраб ўтказгач, Тургут тузоқдан қутулиб қолади, Константинополга сузиб ўтиб, йўлда Дорияга ёрдамга келаётган кемаларга ҳужум қилиб, иккитасини кўлга олди. Истанбулда турк харбий денгиз кўмондони Султон томонидан ажратилган маблағлардан 12 мингта яничарлари бўлган 100 та галераларни ёллаш учун фойдаланди. 1551 йилда эса Тургут ва адмирал Синан-пошонинг Бирлашган кўшини Адриатика денгизига бориб, турк эскадраси Венеция портларини ўққа тутди ва Европанинг насроний давлатлар савдосига жиддий зарар етказди. Май ойида султоннинг флот томонидан кўллаб-қувватланган кўшини Сицилияга лангар ташлади. 1551 йилнинг августида Тургут-раис Солих-раис ва Синан-пошо билан биргаликда 1530 йилдан буён Мальта орденига тегишли бўлиб келаётган Триполини камал қилиб, кўлга олди. Факат турк харбий раҳбарлари ўртасидаги қелишмовчиликлар Мальта устига юриш ва салибчилар Мальта орденини узил-кесил мағлуб қилишдан қутқариб қолди. 1556 йилда Тургут-раис Триполи пошоси (хукмдори) этиб тайинланди. Хаётининг сўнгги йиллари икки муҳим воқеа: Жерба жанги (1560) ва Мальта камали (1565) билан эса қолди.

1560 йилнинг мартада мусулмонлар 90 кемадан иборат испан экспедицияси кучлари томонидан Жерба ҳужумини даф этишга муваффақ бўлдилар. Усманийлар флоти кучлари насронийлар кемаларининг ярмини чўктиришга муваффақ бўлди ва Тургут-раис бошчилигидаги 5 минг кишилик Ливия армияси испанлар томонидан кўлга олинган Жерба қалъасини қайтариб олди.

Мальтани камал қилиш машҳур адмиралнинг сўнгги жанги бўлди. Усманий Султон Сулаймон флоти 1565 йилнинг май ойи ўрталарида оролга яқинлашди. Оролда ионитлар томонидан қурилган учта мустаҳкам базадан бири бўлган Сент-Элм форти ўққа тутилди. Бу форт турк флотига тўсқинлик қилиб, иккита тор кўрфазда ҳукмронлик қилгани учун танланган. Орадан бир неча кун ўтгач, ўша пайтда Триполи бейи лавозимини эгаллаб турган 80 ёшли Тургут-раис камал қилаётган кўшинларга шахсан ўзи

кўмондонлик килган (Тургут форт камалига карши бўлган, аммо камални тўхтата олмаган деган фикр ҳам мавжуд). Бирок, сон бўйича устунликка карамай, турклар бир ой давомида фортда қолиб кетади.

Истехком 23 июнда қўлга олинди. Хужумнинг сўнгги боскичларидан бирида Тургут-раис ҳалок бўлди. Унинг ўлими ҳақида турли тахминлар мавжуд. Баъзи манбаларга кўра, уни замбаракнинг ўқи ўлдирган, бошқа манбаларга кўра, Тургут 18 июнь куни кўзига теккан тош парчасидан яраланиб, Марса касалхонасига яширинча олиб кетилган ва бир неча кундан кейин вафот этган. Тургут-раис Триполининг Баб ал-Бахр дарвозаси (денгиз дарвозаси) яқинида ўзи қурдирган Драгут масжидида дафн этилган.

Абу Муслим таржимаси